

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О. АҲМАДЖОНОВА	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М. ЖҲРАЕВА	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш. ТОШХҲЖАЕВА	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э. ИБРАГИМОВА	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г. РОЗИҚОВА, У. ФАРМОНОВА	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В. АМАНОВ	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д. ЮЛДАШЕВА	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н. ҒОФУРОВА	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г. ЖҲРАБОЕВА	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р. АҲРОРОВА	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж. ОТАЖОНОВ, Ф. МАХМУДОВА, М. РАЙИМЖОНОВА	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ. ҒАНИЕВА	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АҲБОРОТ

М. АБДУМАННОПОВ	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш. ОХУНЖОНОВА	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М. ОМОНОВ, З. БОТИРОВА	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О. ҲУСАНХҲЖАЕВ	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н. УРИНОВА	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н. АБДУЛАЗИЗОВА	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ҒАНИМИЗ ҒИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадамминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТҲХТАСИНОВ	117

УДК: 4

ҚЎШМА ГАПЛАРГА ХОС ШАКЛ ВА МАЗМУН НОМУТАНОСИБЛИГИ

Г.Розиқова, У.Фармонова

Аннотация

Ушбу мақолада қўшма гаплардаги таксономик ва функционал бирликларнинг ўзаро номутаносиблиги масаласи таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье анализируется несоразмерность таксономических и функциональных единиц в сложных предложениях.

Annotation

In this article the problems of imbalance between taxonomic and functional units of compound sentences are analysed.

Таянч сўз ва иборалар: таксономик бирлик, функционал бирлик, синтагматик мутаносиблик, синтагматик номутаносиблик, лисоний ортиқчалик, лисоний тежамлилик, грамматик муносабат, мазмуний муносабат, содда гап, қўшма гап, ҳавола бўлакчи эргаш гапли қўшма гап, мураккаб қўшма гап.

Ключевые слова и выражения: таксономическая единица, функциональная единица, синтагматическая симметрия, синтагматическая асимметрия, лингвистическая экономичность, грамматическое отношение, смысловое отношение, простое предложение, сложное предложение, сложноподчинённое предложение с относительными словами, осложнённое сложное предложение.

Key words and expressions: taxonomic unit, functional unit, syntagmatic balance, syntagmatic imbalance, linguistic redundancy, linguistic efficiency, grammatical relationship, semantic relationship, simple sentence, compound sentence, conditional compound sentence, complex compound sentence.

Синтактик сатҳда муайян ахборотнинг турли синтактик шакллар орқали ифодаланиши ёки бир синтактик шакл орқали бир неча ахборотни ифодалаш мумкинлиги масаласини ёритиш шу тилнинг ички имкониятларини, унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришга олиб келади. Бу эса ҳар бир тилнинг умумийлик ва ўзига хослик диалектикасини очишга имкон туғдиради [4.19].

Гапга хос шакл ва мазмун синтагматик мутаносиблиги ёхуд номутаносиблиги тушунчалари гапнинг синтактик тузилишида иштирок этадиган функционал ва таксономик (нофункционал) қисмлар муносабати орқали аниқланади.

Функционал қисм гап таркибининг шаклий қиймат (вазифа) ташувчи, уни ифода этувчи синтактик ҳодисалардир. Бундай вазифа содда гапларда гап бўлаклари, қўшма гапларда бири бошқасини тақозо этувчи предикатив қисмлар томонидан бажарилади (сўз бирикмаларида унинг тобе ва ҳоким қисмлари).

Баъзан таксономик ва функционал бирликлар ўртасида номутаносиблик кузатилади. Бунда бирор бир сўз шакли бошқа бир сўз шакли билан синтагматик алоқага кириб, бутунлик ҳосил қилади. Ана шу бутунлик таркибида қисмлардан бирининг функционал қиймати инкор этилади – барҳам топади.

Профессор Н.Маҳмудов томонидан содда гапларнинг семантик ва синтактик қурилиши билан боғлиқ номутаносибликнинг жуда кўп масалалари жиддий ўрганилган. Хусусан, унинг “Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик – синтактик асимметрия” номли монографиясида каузативли, қиёсий содда гаплар, шунингдек, иккинчи даражали предикация туфайли мураккаблашган содда гапларга хос номутаносибликнинг кўринишлари таҳлил қилинган. Монографияда яна шу нарса таъкидланадики, асимметрик структурали содда гапларнинг мавжудлиги тилдаги

Г.Розиқова – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.
У.Фармонова – ФарДУ лингвистика (ўзбек тили) йўналиши магистранти.

тежамлилик тамойилининг намоён бўлишидир. Ортиқчалик тамойили билан боғлиқ ҳолатда содда гапларда семантик – синтактик асимметрия юзага кела олмайди [2.143].

Ортиқчалик тамойили синтактик қўшма гаплар доирасида фаол амал қилади. Дарҳақиқат, *Тежамкор киши зинҳор қашшоқликка тушмайди* гапининг синтактик қурилмаси орқали ифодаланиши лозим бўлган маъно *Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, у зинҳор қашшоқликка тушмайди* (Ҳадисдан) гапининг шаклий қурилмаси орқали ифодаланган. Муҳими яна шундаки, ортиқчалик белгисига эга бўлган кейинги қурилма ҳам тил синтактик системасида муҳим ва аҳамиятли ҳодисалардан бири сифатида тавсифланади.

Қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топади. Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг грамматик муносабати деганда шу содда гапларнинг бир – бири билан маълум грамматик воситалар (боғловчилар, юкламалар, олмошлар, оҳанг) ёрдамида боғланиши тушунилади. Мазмуний муносабати деганда эса қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуний мувофиқлиги тушунилади.

Муайян воқеа ифодачиси гап бўлса, воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодачиси қўшма гапдир. Бошқача қилиб айтганда, тил белгиси сифатидаги қўшма гапнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги муносабатдан иборатдир. Воқеалар ўртасидаги муносабатлар содда гаплардагига қараганда қўшма гапларда аниқ ва тўла ифодаланади. Чунки моҳиятан содда гаплар муайян бир воқеани ифодаловчи, қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ воқеа орасидаги муносабатни ифодаловчи шаклдир [1.17].

Ҳавола бўлакли (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи) эргаш гапли қўшма гапларда икки эмас, бир денотатив воқеа ифодаланганлиги сабабли уларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келади. Бундай қўшма гапларда содда гапларда ҳам ифодаланиши мумкин бўлган

оддий мазмун мураккаб шаклда – полипредикатив қурилмаларда берилади. Масалан,

*Қалб шундай уммонки, унинг бағрида
Даҳшатли долғалар силсиласи бор.*

(Э.Воҳидов)

гапи анъанавий номланишдаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гапдир. Унда предмет ва унинг белги-хусусияти маъноси (сигнификатив маъно) ифодаланган. Шу гапни *Қалб бағрида даҳшатли долғалар силсиласи бор уммондир* тарзида монопредикатив шакл (содда гап)да ҳам берса бўлади. Қўшма гап ва содда гап шаклларидаги бу икки қурилманинг типик маъноларида фарқ йўқ. Жумладан, бундай фарқ уларнинг денотатив бирликларига асосланган мазмун (пропозиция)ларида ҳам сезилмайди.

Ёки *Сен бир бўстонки, гуллари сўлмас* (М.Юсуф) эргаш гапли қўшма гапининг бош гапи (*Сен бир бўстонки*) таркибида бир ҳавола бўлаги иштирок этган. Эргаш гап (*гуллари сўлмас*) бутунича ана шу бўлакни изоҳлаган. Бу гапда ифодаланган мазмунни ҳам содда гап орқали бериш мумкин. Унда эргаш гап аниқловчи вазифасини бажаради: *Сен гуллари сўлмас бўстонсан*.

Содда гаплар қурилишига хос ортиқчалик билан қўшма гапларга хос ортиқчалик ортиқчаликни вужудга келтирувчи баъзи омилларнинг муштараклиги (масалан, монособъектlilik, полисубъектlilik) хусусиятига кўра ўхшаш бўлса-да, улар кўп ҳолларда фарқ ҳам қилади. Бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик номувофиқлик ҳамиша мавжуд бўлади ва бу номувофиқликнинг юзага келиши тилдаги ортиқчалик тенденциясининг амал қилиши натижасидир. Бу тенденция нутқий алоқадаги муайян зарурият билан боғлиқ, албатта. Бундай зарурият сифатида сўзловчининг турли субъектив мақсади, воқеани баҳолаши кабиларни кўрсатиш мумкин. Сўзловчи айни мақсади, баҳоси ва шу кабиларни алоҳида таъкидлаб ифодалаш учун предикатив тизимларни танлайди, лекин бу тизимлар

ТИЛШУНОСЛИК

денотатив воқеани эмас, мазкур мақсадга кўра модусни ифодалайди. Бунинг натижасида назарий жиҳатдан икки денотатив воқеа ифодачиси бўлган икки (ёки ундан ортиқ) предикатив бирликдан иборат эргаш гапли қўшма гап фақат бир денотатив воқеани ифодалайдиган бўлиб қолади, яъни фақат бир мазмуний “ядро”ни ўз ичига олади. Бу, табиийки, мазмун ва шакл жиҳатидан номутаносибликни келтириб чиқаради [3.232-233].

Демак, ортиқчалик тамойилига асосланган синтагматик номутаносиблик эргаш гапли қўшма гаплар учун ҳам хос бўлиб, бундай қурилмаларда, айниқса, ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларда гап таркибининг шаклий – грамматик бирликлари билан семантик бирликлари миқдори мувофиқ бўлмайди.

Тилларнинг тараққиёти уларнинг аниқликдан мавҳумлик томон йўналиши орқали белгиланади. Бундай жараён тилнинг барча сатҳларида тежамлилик тамойилининг кучайиши ва ўсиши билан боғлиқ бўлади.

Тежамлилик назарияси тил тараққиётини белгиловчи ижобий характердаги таълимотдир.

Лисоний тежамлилик лисоний ортиқчаликнинг зид тушунчасидир. Унда семантик бутунликнинг шаклий-грамматик бирликлари унинг маъновий-семантик бирликларига нисбатан кам бўлади. Аниқроқ таъбир билан айтганда, гап семантик қурилишининг баъзи бирликлари (элементлари) гап грамматик қурилишида моддий қиёфага эга бўлмайди.

Тежамлилик қўшма гапларда ҳам мавжуд. Айниқса, кўп компонентли қўшма гапларда тежамлилик ўта юқори даражада бўлади. Мураккаб қўшма гаплар қурилмасида бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ҳар хил қўшма гапларнинг маъно ва грамматик хусусиятлари ўз ифодасини топади.

Хуллас, номутаносиблик тил тараққиётини белгиловчи ижобий ходисалардан биридир. Тилнинг қайси сатҳида бўлишидан қатъий назар, номутаносиблик инсон тилининг ички қурилишига хос бир қатор ходисаларнинг ўзаро ўхшашлигига асосланувчи кенг тарқалган атрибутдир.

Номутаносибликни вужудга келтирувчи омиллар ҳар хил бўлишидан қатъий назар, бу ҳодиса тилнинг белгилик табиати асосида мавжуд бўлади.

Адабиётлар:

1. Колосова Т.А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. – Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980.
2. Маҳмудов Н.Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т.: Ўқитувчи, 1984.
3. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
4. Усмонова Ҳ. Шакл ва мазмун муносабатига субстанционал ёндашув. // Нутқ маданияти ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2016.

(Тақризчи: А.Мамажонов, филология фанлари доктори, профессор).